

Tadqiqot uz

# ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

2020

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

№17
30 июнь

conferences.uz

# "ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР" МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 17-КЎП ТАРМОҚЛИ ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ
## 7 -ҚИСМ

# МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ 17-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
## ЧАСТЬ- 7

# MATERIALS OF THE REPUBLICAN 17-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL RESEARCH IN UZBEKISTAN"
## PART- 7

ТОШКЕНТ-2020

**УУК 001 (062)**
**КБК 72я43**

**"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2020]**

**"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар"** мавзусидаги республика 17-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 июнь 2020 йил. - Тошкент: Tadqiqot, 2020. - 707 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

**Маъсул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

**1.Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши**
Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

**2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар**
Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фарғона давлат университети)

**3.Тарих саҳифаларидаги изланишлар**
Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

**4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни**
Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

**5.Давлат бошқаруви**
PhD Шакирова Шохида Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази)

**6.Журналистика**
Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

**7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар**
Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

**8.Адабиёт**
PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

**9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни**
Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

**10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар**
Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

**11.Жисмоний тарбия ва спорт**
Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

**12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши**
Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

**13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши**
Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

**14.Тасвирий санъат ва дизайн**
Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**15.Мусиқа ва ҳаёт**
Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар**
Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

**17.Физика-математика фанлари ютуқлари**
Доцент Сохадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган мухандислик-технология институти)

**18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар**
Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

**19.Фармацевтика**
Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**20.Ветеринария**
Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**21.Кимё фанлари ютуқлари**
Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)

**22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар**
Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

**23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари**
Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар**
Phd доцент Қаххоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**25.География**
Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

***Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.***

**© Муаллифлар жамоаси**
**© Tadqiqot.uz**

**PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи:** Шахрам Файзиев

**Контакт редакций научных журналов.** tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz**
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

**81. Sharipova Sohiba Ismoilovna**
INGLIZ TILI BUGUNGI JAMIYATNING TILI ........ 184
**82. Shomurodova Zebiniso Rajabovna**
ANALYSIS TEACHING A FOREIGN LANGUAGE FOR THE SPECIFIC PURPOSE OF IMPROVING THE IMPROVEMENT OF STUDENTS LEVEL ........ 186
**83. Sultanova Gulbanu Nazarbaevna**
TA'LIM SIFATINI O'SHIRISH VA INGLIZ TILINI O'RGANISHDAGI UCHRAYDIGAN QIYINCHILIKLAR ........ 187
**84. Turdiyeva Shahnoza Baxtiyor qizi**
LOTIN YOZUVIGA ASOSLANGAN O'ZBEK ALIFBOSI TARIXIDAN ........ 189
**85. Turg'unova Dildora Rahmatjonovna**
O'ZBEK TILINI O'RGANADIGAN XORIJLIKLAR UCHUN NUTQIY VAZIYATDA PROPOZITSIYANING IFODALANISHINI O'RGATISH ........ 190
**86. Usmonova Arofatxon Madaminova ........ 192**
FIKRNI YOZMA BAYON QILISH QANDAY O'RGANILADI? ........ 192
**87. Xolmatova Nafisa Alijonovna**
ONA TILINING TA'LIMDAGI O'RNI ........ 193
**88. Xolmirzayeva Jamila Abdumalikovna**
ONA TILINI O'QITISH METODLARI ........ 194
**89. Xudayberdiyeva Dilorom Xaydar qizi**
THE PROBLEM OF CREATING A GOOD LESSON AND USING EFFECTIVE ACTIVITES ........ 195
**90. Zokirova Nasiba**
YANGI MAVZUDA YANGI METOD ........ 198
**91. Абдурахманова Сайёра Абдусаламовна**
БАДИИЙ НУТҚДА РУҲИЙ ҲОЛАТ ИФОДАЛАНИШИ ҲАҚИДА ........ 199
**92. Аллабердинова Санобар Давлетовна**
ПОНЯТИЕ ДИСКУРСА В СОВРЕМЕННОЙ ЛИНГВИСТИКЕ ........ 201
**93. Baymag'anbetova Zulfiya Moldagazievna**
SKILLS ASSOCIATED WITH LISTENING ........ 203
**94. Бердимуратова Дамехан Утениязовна**
АНГЛИЙСКИЕ ФРАЗОВЫЕ ГЛАГОЛЫ И ИХ ПЕРЕВОД НА РУССКИЙ И КАРАКАЛПАКСКИЙ ЯЗЫКИ ........ 204
**95. Буранбаева Галия Баймагамбетовна**
ПРОЕКТИРОВАНИЕ ВНЕКЛАССНОЙ РАБОТЫ ПО РУССКОМУ ЯЗЫКУ ........ 206
**96. Даукеева Айдын Оралбаевна**
БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИНИНГ АКМЕОЛОГИК КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МЕЗОНЛАРИ ВА ДАРАЖАЛАРИ ........ 208
**97. Досчанова Гулбахор Жуманазаровна**
МЕТОДИКА ПРЕПОДАВАНИЯ РУССКОГО ЯЗЫКА. ........ 211
**98. Закирходжаева Гулнора Жахонгировна**
РУССКИЙ ЯЗЫК КАК ПРЕДМЕТ ИЗУЧЕНИЯ ........ 213
**99. Зокирова Наргиза Савриевна**
ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎРГАТИШДА РОЛЛИ ЎЙИНЛАР ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ........ 215
**100. Имамова Адолат Уллиходжаевна**
ЦЕЛИ ОБУЧЕНИЯ РУССКОМУ ЯЗЫКУ ........ 218
**101. Исроилова Дилрабо Абдумухтаровна**
СОВРЕМЕННЫЕ МЕТОДЫ ОБУЧЕНИЯ В ПРЕПОДАВАНИИ РУССКОГО ЯЗЫКА И ЛИТЕРАТУРЫ ........ 220
**102. Kayipova Nadira Makhmudovna**
ROLE OF NATIVE LANGUAGE IN LEARNING ENGLISH ........ 222

# ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎРГАТИШДА РОЛЛИ ЎЙИНЛАР ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

***Зокирова Наргиза Савриевна***
***Бухоро давлат университети***
***инглиз тилшунослиги кафедраси ўқитувчиси***
***Телефон:+998(91)4102002***
***narghiza.zokirova@mail.ru***

**Аннотация.** Мақолада инглиз тилини ўргатишда инновацион технологиялар таъсирида анъанавий таълимнинг кескин ўзгариши, ўқитувчи ва ўқувчи-талабаларнинг иштироки, ўрни ҳамда вазифалари ҳақида турлича таҳлиллар мисоллар ёрдамида ёритилган. Инглиз тилини ўргатишда ролли ўйинларнинг турлари, аҳамияти ва талабалар учун афзалликларини кўрсатиб, кўплаб мисоллар келтирилган. Таҳлиллар давомида дарсда ўйинларнинг қўлланилиши инглиз тилини ўргатишда қанчалик муҳим эканлигини ёритишга ҳаракат қилинган.

**Таянч сўзлар:** грамматик ўйинлар, дидактик ўйинли технологиялар, ижодий ўйинлар, инновацион технологиялар, лексик ўйинлар, мақсад, натижа, ролли ўйинлар, ўқиш жараёни.

**Кириш.** Маълумки, ҳар бир дарс мавзусини ўрганишда ўзига хос технология, усул ва воситаларни танлашга тўғри келади. Ўқитиш ва ўргатиш жараёнида юқори натижага эришиш учун дарс жараёнини олдиндан кетма-кетлигини мўлжаллаш керак бўлади. Бунда ўқитувчи фаннинг ўзига хос томонларини, ўқув жараёнини ва шароитини, ўқувчиларнинг эҳтиёжини ва имкониятларини, билим савиясини, шароитга қараб ишлатиладиган технологияларни танлаши лозим. Шу ўринда бугунги кунда дарсларни усиз ташкил этиб бўлмайдиган инновацион технологиялар ҳақида тўхталиб ўтсак. Анъанавий таълим ўқувчиларни тайёр билимларни ўзлаштиришга ўргатади, унда ўқитувчи шахси асосий ўринни эгаллаган бўлиб, ўқувчи эса бу жараённинг пассив иштирокчиси бўлиб келган. Илмийтехника революция даврида ўқувчи ўзлаштириши лозим бўлган илмий ахборот ҳажмининг кескин ошиб кетиши билан анъанавий таълим кам самарали бўлиб қолди. Ана шунинг учун бу даврда интерактив методлар, инновацион педагогик ва ахборот технологияларнинг ўқув жараёнига киритишга қизиқиш тобора кучайиб бормокда.

**Асосий қисм.** Бизга маълумки, инновацион технологиялар инглизчадан "innovation" янгилик киритиш –педагогик жараён, яъни ўқувчи ва ўқитувчи фаолияти ўзгариш, янгилик киритиш, ўқув жараёнида интерактив методлардан фойдаланишни англатади. Интерактив методлар ўз ичига оладиган воситалар эса ўқувчининг биргаликда фолият олиб бориш орқали мулоқот ва нутқ маданиятини ривожлантириш, билимларини чуқурлаштириш ва шахсини ривожлантириш вазифасини бажаради. Ҳозирги кунда ўқитувчилар томонидан ўқув жараёнида энг кўп қўлланилаётган замонавий ёхуд инновацион технологиялардан бири бу –дидактик, ролли ўйинли технологиялар бўлиб келмоқда. Ўйин ўйнаш — ҲИС-ҲАЯЖОНЛИ, диққатни, имкониятни, мужассамликни, билимли, кучли бўлишни талаб қилади. У мустақил бир қарорга келишликка ўргатади. Ўйин ўйнаётганларни ютиш, ғалаба қозонишга интилишлари, иродалари, хоҳишлари уларнинг фаолиятини тезлаштиради. Мана шу ўйин ўйновчиларнинг хусусиятларини инглиз тилида ўйин ўйнатишга асос қилиб олинган. Ўқувчи, талаба ўйинларни инглиз тилида ўйнасагина инглиз тилига қизиқади инглиз тилини ўрганади. Тажрибалар шуни кўрсатдики, ўйинни инглиз тилида олиб боришни таълимий томони кучли экан. Шу сабабдан инглиз тилида ролли ўйинларини ўйнатиш кенг қўлланилмоқда.

Ўйинли технологиялар ўқувчи, талабаларнинг билим олиш фаолиятини ўйин фаолияти билан қўшиб олиб боришдан иборат. Ўйинлар мусобақа, рақобат, ўзаро ёрдам, ҳамкорликда олиб борилади. Бунинг учун ўқитувчи ўйиндан кўзда тутилган мақсад, уни

ошириш йўллари, ўйин мазмуни ва иштирокчилари фаолиятини аниқлаб олади. Дидактик ўйин дарслари таълим ва тарбия бериш, талабалар фаолиятини йўналтириш, касбга йўналтириш, ўқувчиларнинг мулоқот ва нутқ маданиятини ривожлантириш, улар билимларини чуқурлаштириш ва шахсини ривожлантириш вазифасини бажаради. Дидактик ўйинли дарсларни мазмунига кўра саҳналаштирилган ролли ўйинлар, ижодий ишбилармонлик ўйинлари, конференция ва ўйин машқли ҳамда шу каби кўпгина дарсларга ажратиш мумкин. Келинг дарсларнинг баъзиларини кўриб чиксак. **Саҳналаштирилган ўйинлар** муаммоли вазиятнинг бир тури бўлиб, ҳаётий вазиятларни ўқувчилар томонидан саҳналаштирилишдан иборат. Уларда дидактик мақсад ўқувчилар олдига вазифа тарикасидақўйилади; ўқувчиларнинг ўқув фаолияти ўйин қоидасига бўйсундирилади. **Ишбилармонлик ўйинлари**да ўйин иштирокчиларига ўйин мавзуси таклиф этилади. Мавзу бўйича улар олдига таклиф этилган муаммони ечиш қўйилади. Ҳар бир иштирокчи ўз ролига мувофиқ келадиган чиқиш тайёрлайди ва бу ҳақда барча иштирокчилар билан маслаҳатлашади. Гуруҳнинг барча аъзоларининг фаолияти умумий мақсадга эришишга қаратилади. Баҳолаш иштирокчиларнинг ташкилий фаолияти ва уларнинг умумий мақсадга эришишдаги ролли ўйинларнинг мазмуни билан белгиланади. Ролли ўйинлар ҳам гуруҳда бажарилади. Унда ҳар бир иштирокчи ўз индивидуал мақсадни бошқа гуруҳ аъзолари билан келишиб олмайди. Ҳар бир иштирокчи ўзини намоён этиш ва ғалаба қозониш учун ҳаракат қилади. Баҳолашда ҳар бир иштирокчининг ҳаракати ва умумий мақсад йўлидаги ҳаракати ҳисобга олинади. Ролли ўйинларда бир-бирини инкор этувчи вазиятлар пайдо бўлади. Ҳар бир иштирокчи бу вазиятдан чиқиш учун мантиқан тўғри йўлни танлайди. Ишлаб чиқилган ролли ўйинлар мумкин қадар ўқув материали билан боғланган ва ҳаётий, иштирокчилар ёши ва тайёргарлик даражасига мос келиши лозим. **Ижодий ўйинлар** технологиясида ўйинлар ўқувчиларнинг ўзлаштирган билим, кўникма ва малакалари ижодий қўллаш, ўқиш жараёнида пайдо бўладиган муаммоли вазиятларни ижодий изланиш орқали ҳал этишдан иборат. Бундай ўйинлар ўқувчиларнинг мустақил ижодий изланишлар ва мантиқий фикрлашини ривожлантиришга, билимларни янада мустаҳкамлаш ва янги билимлар беришга қаратилган бўлади. Ижодий ўйинлардан барча фанлардан йирик мавзулар ва боблар бўйича ўрганилган билимларни умумлаштириш мақсадида фойдаланиш мумкин. Бунда гуруҳдаги ўқувчилар ўзлаштириш даражаси ва сони бўйича бир хил имкониятга эга бўлган гуруҳларга ажратилади. Ҳар бир гуруҳ ўқитувчи тавсия этган топшириқларни мустақил ижодий бажаради. Гуруҳларни шартли равишда бир неча мутахассисларга ажратиш мумкин. Ҳар қайси гуруҳ мутахассислари ўқитувчи тавсия этган топшириқларни мустақил ижодий бажариб. Фанда янгилик кашф этишади, ўз жавобларини кўргазмали қуроллар ёрдамида асослаб беришади.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, инглиз тили дарсларида ўқув ўйинлари ўқувчи, талаба учун энг қизиқарли машғулот, ўқитувчи учун эса ўқувчи, талабанинг тинглаб тушунишини, гапиришини, ўқишини, ёзувини фаоллаштиришда, тил материалларини узлаштиришда ва мустахкамлашда энг мухим воситадир. Ўқувчи, талабалар ўйинларни қизиқиб ўйнайдилар, бутун билимини ишга солиб ютишга интиладилар, ўқитувчи улар оркали таълим-тарбия беради.

Ўқувчи, талаба инглизча ўйин ўйнаб, гапира оларканман, ўқий оларканман, тинглаб тушуна оларканман, ёза оларканман, юта оларканман деб рағбатланади, қизиқади.

Методика ўйинни вазиятли машқ деб талқин қилади. **Ўйин** қуйидаги методик вазифаларни ҳал қилишга ёрдам беради;

1) ўқувчи, талабаларни нутқни бажариши учун психологик тайёргарлигини ташкил қилади;

2) ўқувчи, талабаларга тил материалларини, нутқ намуналарини кўпроқ, кайтариб қўллашга табиий вазият, холат вужудга келтиради;

3) ўқувчи, талабалар шароитга, вазиятга караб, мустақил тайёрланмаган нутқ бажаришга ўрганадилар.

Хозирги пайтда бундай ўйинлар ролли ўйинлар деб юритилади. Ўқувчи, талабалар

ўйинларни ролларга бўлиб ўйнайдилар. Бу эса ўқувчи, талабани мухитга, ролга тушишга, ўйинга актив киришишга ёрдам беради. Ўқувчи, талабалар учувчи, ўқитувчи, инженер, шифокор, тикувчи, чет эл кишиси, таржимон, мухбир каби ролларга кирадилар.

Тил материалларини қўллашни фаоллаштириш малакалари учун лексик, грамматик, фонетик, орфографик ўйин турлари қўлланилади. Яна ижодий ўйин, мазмунли ўйин, таклид қилиш ўйин турлари бор. Ўйинлар кўпинча мусобака тарзида утади, уларда бошловчи, бошкарувчилар бўлади. Ўйинларни гуруҳлар буйича таксимлашда албатта ўқувчи билими хисобга олинади. Мазмунли ўйинлар, айникса, маиший хизмат мавзуидаги ролли ўйинлар кўп ўйнатилади. Такдид қилиш ўйинлари кенг ўйнатилади. Бу ўйинларни билиш, ўйнаш, ўрганиш фаолиятни ривожлантиришга ёрдам беради.

Хозирги пайтда инглиз тилини ўргатишда ролли ўйинлардан кенг фойдаланилади. Улар олдимизга қўйган мақсадга эришишга, қизиқтиришни орттиришда, дарсга жалб қилишга салмокли ижобий ёрдам беради. Шу сабабли ўйинларни янада кенгрок қўллаш маъкулрокдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг «Олий Таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги карори Тошкент ш.,2017 йил 20 апрель,ПҚ-2909-сон.

2. Г. Палмер. Современного обучения иностранным языкам. — ЯИШ. 2001.

3. Даминова М., Адамбекова Т. Ўйин машғулотлари. – Т.: Ўқитувчи, 1993.

4. Соловова Е. Н. Методика обучения иностранным языкам: Базовый курс лекций: Пособие для студентов пед. вузов и учителей. — М.: Просвещение, 2002.

5. Common European Framework of Reference for Languages: Learning, Teaching, Assessment: Language Policy Unit// Council of Europe. - Strasbourg.-2001.

6. Lado R. Language Teaching. –New York, San Francisco, Toronto, London, 2010.